

ЎЗБЕКСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ
“МЕХАНИКА-МАШИНАСОЗЛИК” ФАКУЛЬТЕТИ

“МАШИНАСОЗЛИК ТЕХНОЛОГИЯСИ ВА АВТОМАТЛАШТИРИШ”
КАФЕДРАСИ

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИНИНГ

ТУШУНТИРИШ ҚИСМИ

Битирув малакавий ишининг мавзуси:

**Автоойна” МЧЖ шароитида 01.006-сонли “Ён транспор-
тёр” нинг 01.006.003-сонли “Барабан” деталига механик
ишлов бериш технологик жараёнини лойиҳалаш.**

17-14 “МСТ” гуруҳ талабаси

Битирувчи:

Мухторов Авазбек Фарходжон ўғли

Раҳбар:

Сотволдиев Абдусалом Эгамбердиевич

Тақризчи:

Ахмедов Авазжон Аманович

Маслаҳатчилар:

Хорижий инвестициялар бўлими:

Нурматов А.Ғ.

Меҳнатни муҳофаза қилиш
бўлими:

Мирзаева Г.С.

ФАРҒОНА – 2018

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
2. УМУМИЙ ҚИСМ	6
2.1. Деталнинг хизмат вазифаси.....	6
2.2 Детал тузилишининг технологиклиги ва унинг миқдорий кўрсаткичлари	7
2.3. Ишлаб чиқариш турини аниқлаш	9
3.ТЕХНОЛОГИК ҚИСМ	10
3.1.Заготовка турини танлаш ва уни тайёрлаш усулини аниқлаш.....	10
3.2. Деталь юзаларига механик ишлов бериш режасини тузиш.....	12
3.3. Танланган технологик жараёнини асослаш	12
3.4. Механик ишлов бериш учун қўйимлар миқдорини аналитик ҳисоби (иккита турли кўринишдаги юзаларга).....	13
3.5. Механик ишлов бериш учун қўйимлар миқдорини жадвал усули билан ҳисоби (иккита турли кўринишдаги юзалар учун).....	19
3.6. Кесиш маромларини қисқа-аналитик усулда ҳисоблаш ва асосий вақтни аниқлаш (иккита турли кўринишдаги юзаларга).....	19
3.7 Кесиш маромларини жадваллар усулида ҳисоблаш ва асосий вақтларни аниқлаш (қолган юзалар учун)	24
3.8. Сарфланган техник вақт меъёрини аниқлаш	47
3.9. Технологик жараён ҳужжатлари.....	51
4. КОНСТРУКТОРЛИК ҚИСМ.....	65
4.1. Дастгоҳ мосламасини ҳисоблаш ва лойиҳалаш	65
4.2. Назорат мосламасини ҳисоблаш ва лойиҳалаш	67
4.3. Кесиш асбобини ҳисоблаш ва лойиҳалаш	70
5. ТАШКИЛЛАШ БЎЛИМИ.....	72
6. ИҚТИСОДИЁТ БЎЛИМИ.....	79
7. ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР БЎЛИМИ.....	83
8. МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ БЎЛИМИ.....	88
9. ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	97
10. СПЕЦИФИКАЦИЯ	98
11. ИЛОВАЛАР.....	99
11.1 Иккита ўтиш учун кесиш маромини компьютер дастури ёрдамида ҳисоби	99
11.2. Интернетдан олинган маълумотлар	101

КИРИШ

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилган кенг кўламли ислохотлар миллий давлатчилик ва суверенитетни мустаҳкамлаш, хавфсизлик ва ҳуқуқ-тартиботни, давлатимиз чегаралари дахлсизлигини, жамиятда қонун устуворлигини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик муҳитини таъминлаш учун муҳим пойдевор бўлди, халқимизнинг муносиб ҳаёт кечириши, фуқароларимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитлар яратди. Айни вақтда мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт йўлининг чуқур таҳлили, бугунги кунда жаҳон бозори коноюнктураси кескин ўзгариб, глобаллашув шароитида рақобат тобора кучайиб бораётгани давлатимизни янада барқарор ва жадал суроатлар билан ривожлантириш учун мутлақо янгича ёндашув ҳамда тамойилларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқаришни тақозо этмоқда.

Ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилган аҳоли бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириб бориш, ижтимоий ҳимояси ва соғлиғини сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, арзон уй-жойлар барпо этиш, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш, таълим, маданият, илм-фан, адабиёт, саноат ва спорт соҳаларини ривожлантириш, ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш бугунги кун талабига айланди.

2017 йили 7 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Фармони чиқиб, унда: 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳамда Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат

дастури тасдиқланди. Хусусан, мамлакатни ривожлантиришнинг қуйидаги 5 та устувор йўналиши белгиланган:

1. Давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш;
2. Қонун устуворлигини таоминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш;
3. Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш;
4. Ижтимоий соҳани ривожлантириш;
5. Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритиш.

“Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш” деб номланган учинчи йўналишда кўрсатилган чора-тадбирларни рўёбга чиқариш учун миллий валюта ва нархларнинг барқарорлигини таъминлаш, валютани тартибга солишнинг замонавий бозор механизмларини босқичма-босқич жорий этиш, маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини кенгайтириш, ташқи иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, экспортга мўлжалланган маҳсулот ва материаллар ишлаб чиқариш учун замонавий технологияларни жорий этиш, транспорт-логистика инфратузилмасини назарда тутилмоқда.

Машинасозлик–жамиятнинг моддий техника базасини яратувчи ва мамлакатимизнинг техник тараққиётини ривожланишини белгиловчи соҳа, чунки у саноатнинг турли тармоқларини янги техника, ишлаб чиқариш воситалари билан таъминлайди. Шунинг учун машинасозлик ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларини ривожланишига катта таъсир кўрсатувчи саноатнинг муҳим тармоқларидан бири.

Инсониятнинг ривожланиши босқичларини бошларида оддий кўринишдаги технологиялардан фойдаланиб келинган. Инсон онгини тараққий этиб ривожланиши билан бир қаторда ишлаб чиқариш технологияси ўз навбатида такомиллашиб келмоқда, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар мураккаблашмоқда ва сифат кўрсаткичларининг даражаси ортиб бормоқда. Корхоналарда мураккаб технологияларни куллаш билан маҳсулотларни ишлаб

чиқариш таъминланади, яъни кишилиқ жамиятини тараққий этиш даражаси билан қўлланилаётган ёки қўлланиши мумкин бўлган технологиялар ўзоро боғлиқ ва улар бири иккинчисига таъсир этишга қодирдир.

Ҳозирги кунда иқтисодиётни ривожлантириш чора тадбирлари корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни янада жадаллаштириш, замонавий, мосланувчан технологияларни кенг жорий этиш; экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналарнинг ташқи бозорларда рақобатдош бўлишини қўллаб-қувватлаш бўйича конкрет чора-тадбирларни амалга ошириш ва экспортни рағбатлантириш учун қўшимча омиллар яратиш; катъий тежамкорлик тизимини жорий этиш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини камайтиришни рағбатлантириш ҳисобидан корхоналарнинг рақобатдошлигини оширишга қаратилган.

Машинасозликни ривожланишида икки йўналиш асосий ва белгиловчи бўлиб қолмоқда. Булардан бири ишлаб чиқариш жараёнининг ва уни технологик тайёрлашни интеллектуаллаштириш: бу ўз навбатида лойиҳалаш бўлимларида ва бевосита ишлаб чиқариш жараёнларида ахборот технологиялари ва автоматлаштириш воситаларидан кенг қўламда фойдаланишдан иборатдир. Иккинчи йўналиш инсон эътиёжини индивидуаллигини, бозор иқтисодиёти талабларини ҳисобга олган ҳолда белгиланган вазифани бажарувчи турли кўринишдаги машина ва механизмлар яратишдан иборатдир.

Битирув малакавий иши Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармон ва Қарорлари, жумладан 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳамда Ҳаракатлар стратегиясига асосланган машинасозлик технологиясининг замонавий йўналишлари, машина ва механизмлар деталларини тайёрлашнинг илғор ва самарадор технологиялари ҳамда уларни йиғишнинг замонавий усулларида фойдаланган ҳолда бажарилган.

2. УМУМИЙ ҚИСМ

2.1. Деталнинг хизмат вазифаси

"Автоойна" МЧЖ шароитида 01.006-сонли "Ён транспортёр" нинг 01.006.003-сонли "Барабан" деталига механик ишлов бериш технологик жараёнини лойихалаш мавзусидаги БМИ "Автоойна" МЧЖ буюртмасига кўра бажарилди. "Барабан" детали "Ён транспортёр" нинг муҳим деталаридан биридир. "Барабан" деталини тайёрлаш аниқлиги бутун "Ён транспортёр" аниқлигини белгилайди.

"Барабан" детали "Автоойна" МЧЖ да тасмалли узатмаларнинг асосий детали ҳисобланади. Барабан деталимиз ён транспортёр механизмининг етакловчи деталдир. Деталимиз валсимон деталлар синфига мансуб бўлиб, ўз ўқи бўйича айланади. Барабан деталининг асосан ташқи ва ички цилиндрик юзалари ва асосидаги тешигига юза тозаллиги баландроқ бўлади. Барабаннинг ташқи юзаси ишқаланишга чидамлироқ бўлиши керак.

Деталимизнинг ташқи торец юзалари А ва Б. ташқи цилиндрик М ва ички цилиндрик Л ва Д юзалари мавжуд. Ташқи цилиндрик юзада Ф ва К тешиклар бор. Б. Ташқи цилиндрик юзалари Г, Д, Е, В ва ички юзалари Ф, Ж ва К. Барабаннинг асосидаги Л тешик ҳам мавжуддир (2.3-расм).

Детал СЧ18-36 ГОСТ 1050-2013 материалдан тайёрланади. Унинг кимёвий таркиби ва механик хоссалари 2.1 ва 2.2 жадвалларда келтирилган.

жадвал 2.1

СЧ 18-36 ГОСТ1412-85 кимёвий таркиби

C, %	Si, %	Mn, %	P, %	S, %	Cr, %	Ni, %
3,1-3,4	1,7-2,1	0,8-1,2	0,3	0,15	0,3	0,5

жадвал 2.2

СЧ 18-36 ГОСТ1412-85 механик хоссалари

σ_b , кгс/мм ²	σ_n , кгс/мм ²	f-600/300, мм	$\sigma_{сж}$, кгс/мм ²	НВ
18	36	8/2,5	70	170-229

2.2 Детал тузилишининг технологиклиги ва унинг миқдорий кўрсаткичлари

“Барабан” детали конструкциясини технологиклиги бир хил сифат кўрсаткичларига эга бўлган бир хил шароитда тайёрланган ва эксплуатация қилинадиган ўхшаш конструкцияга эга бўлган маҳсулотга нисбатан янада самардор технологиялар билан ишлов бериш, эксплуатация қилиш, таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш имкониятини беради.

Деталнинг технологикликка таҳлил қилиш, ишлаб чиқаришни технологик тайёрлашни муҳим масаласидир ва унда маҳсулот конструкцияси ва ишлаб чиқариш технологияси бир-бирига боғланган ҳолда ҳал қилинади.

Конструкцияни технологиклиги таҳлили қуйидаги нуқтаи назарлар бўйича таҳлил қилинади: қўлланиладиган материални кўриниши ва тури; хом ашёни кўриниши ва тайёрлаш услублари; қўлланиладиган ишлов бериш, йиғиш, тайёрлаш корхонасидан ташқарида монтаж қилиш, назорат қилиш ва синашни технологик услублари ва кўринишлари; прогрессив технологик жараёнлар, шунингдек, кам меҳнат ва энергия сарфланадиган, чиқиндисиз, типавий технологик жараёнлардан фойдаланганлик даражаси; жараёнларни механизациялаш, автоматлаштириши имконияти; унификацияланган йиғиш бирикмалари ва деталларни қўллаш даражаси; тайёрловчи корхонани ўзига хос хусусиятлари; талаб қилинган ишчилар малакаси.

Чизмани таҳлили шунинг курсатдики, детални ишчи вазифасини ўзгартирмаган ҳолда уларнинг тузилиши элементларини қисқартириш имконияти йўқ. “барабан” детали тузилиши хом ашё олишни рационал усулларидан фойдаланиш имкониятини беради. Ишлов беришда қийинчилик туғдирадиган ва мақсадга мувофиқ бўлмаган юзалар аниқланмади. Заготовка тузилиши ва мустаҳкамлиги иш унумдорлиги юқори бўлган ишлов бериш усулларидан фойдаланишни чегараланмайди. Материални ишлов берилувчанлиги лезвияли асбоблардан фойдаланишга имкон беради. Технологиклик ва аниқлик бўйича таҳлил технологик жараён маршрутини

тузиш, дастгоҳларни танлаш, берилган аниқликка эришиш усуллари ва операциялардан сўнг назорат ишларини аниқлашга негиз бўлиб қолади.

Бажарилган “барабан” детални технологикликка таҳлили қуйидаги коэффициентларни аниқлашга имкон берди:

1. Конструктив элементларни унификациясини коэффициенти:

$$K_{y.\varepsilon} = Q_{y.\varepsilon} / Q_{\varepsilon},$$

бу ерда

$Q_{y.\varepsilon}$ ва Q_{ε} -унифицицияланган конструктив элементлар сони ва детални ҳамма элеменларини сони.

$$K_{y.\varepsilon} = 8/14 = 0,57$$

2. Материалдан фойдаланиш коэффициенти:

$$K_{IM} = q/Q,$$

бу ерда:

q -деталл оғирлиги; Q -заготовка оғирлиги.

$$K_{IM} = 1,3/1,8 = 0,72$$

3. Ишлов бериш аниқлиги коэффициенти:

$$K_{m.o} = 1 - \frac{1}{A_{yp}},$$

бу ерда

$$A_{yp} = \frac{(n_1 + 2n_2 + 3n_3 + \dots + 19n_{19})}{\sum_{i=1}^{19} n_i} = \frac{105}{14} = 7,5$$

$$K_{m.o} = 1 - \frac{1}{7,5} = 0,87$$

4. Юзалар ғадир-будурлик коэффициенти:

$$K_{\text{м}} = \frac{1}{B_{ep}},$$

бу ерда

$$B_{ep} = \frac{(0,01n_1 + 0,02n_2 + \dots + 40n_{13} + 80n_{14})}{\sum_{i=1}^{14} n_i} = \frac{60}{14} = 4,2$$

$$K_{\text{м}} = \frac{1}{4,2} = 0,23$$

Бажарилган таҳлил деталини тўғри лойиҳалашга имконият беради.

2.3. Ишлаб чиқариш турини аниқлаш

Корхонанинг бир йил давомида ишлаб чиқариши керак бўлган маҳсулот ва захира қисмларининг маълумотига ишлаб чиқариш дастури деб айтилади. Ишлаб чиқариш дастури маҳсулотни тури, сони, ўлчами ва материали тўғрисида маълумотдан иборат. Ишлаб чиқариш дастурининг ҳажми, маҳсулот таснифи, жараённинг техник ва иқтисодий шартларига асосан шартли равишда донали, серияли ҳамда ялпи ишлаб чиқариш тури мавжуд. Серияли ишлаб чиқариш майда, ўрта ва кўп серияли бўлиши мумкин. Ишлаб чиқариш турлари ўзига хос ташкилий шаклга эга бўлиб, битта корхонада ҳар хил ишлаб чиқариш турлари бўйича маҳсулот ишлаб чиқарилиши мумкин.

Технологик жараёни таснифини ҳамда унинг тузилишини ишлаб чиқариш тури ва унга тўғри келадиган ишни ташкил қилиш шакллари белгилайди. Ишлаб чиқариш турини жадваллар усули билан аниқлаганда деталнинг оғирлиги ва йиллик ишлаб чиқариш дастури талаб қилинади.

Деталининг йиллик дастури $N=15000$ дона ва оғирлиги $m=1,3$ кг бўлганда ([10], 2ж., 18б.) ишлаб чиқариш тури мавзуга мос ҳолда ўрта серияли бўлади. Бунга асосан ўрта серияли ишлаб чиқариш шароитида ишлаб чиқариш қадамини қуйидаги ифода ёрдамида ҳисобланади:

$$tb = \frac{Fg \cdot 60}{N} = \frac{4029 \cdot 60}{15000} = 16 \frac{\text{дак}}{\text{дона}}$$

бу ерда: $Fg=4029$ соат-дастгоҳларни бир йиллик ҳақиқий ишлаш вақти фонди

$N=15000$ дона-йиллик ишлаб чиқариш дастури.

Бўлимдаги иш тартиби 2 сменали. Серияли ишлаб чиқариш турида деталларни партияларга бўлиб ишлов берилиши сабабли партиядаги деталлар сони ҳисоблаб топилади.

$$n = \frac{N \cdot a}{F} = \frac{15000 \cdot 3}{254} = 177 \text{ дона}$$

бу ерда: $a=3$ кун-партиядаги деталларни ишлов беришга киритилиш даври
 $F=254$ кун-бир йилдаги ишчи кунлар сони.

3.ТЕХНОЛОГИК ҚИСМ

3.1.Заготовка турини танлаш ва уни тайёрлаш усулини аниқлаш

Машина деталларининг заготовкалари қора ва рангли металллардан қуйиш, куйма, штамплаш, прокат, пайвандлаш ва бошқа усуллар билан тайёрланади, шунингдек кукун металлургияси ҳамда металлмас материаллардан фойдаланилади.

Заготовкалар тоза ва қораларга бўлиниб, тоза заготовка тайёлангандан кейин кесиб ишланмайди, ўлчамлари ва тозалиги тайёр деталь чизмасида кўрсатилган ўлчам ва тозалikka тўғри келади. Қора заготовкаларга чизма талабларига тўғри келадиган ўлчам, аниқлик ва тозаликдаги деталь ҳосил қилиш мақсадида қўйим кесиб олиш йўли билан механик ишлов берилади.

Детални ўлчам ва материали, тузилиши, ишчи вазифаси, уни тайёрлашга техник талаблар, йиллик дастур каби омиллар заготовка олиш усулини танлашга асос бўлади. Заготовка олиш усулини танлашда заготовка ўлчами ва тузилиши детални ўлчам ва тузилишига яқин бўлишини таъминлаш керак. Шу билан бир қаторда заготовка аниқлигини ошириш ва тузилишини мураккаблаштириш уни таннархини ошишига олиб келишини унутмаслик керак. Шунинг учун заготовка олишни мақбул усулини таннархи ҳам кам бўлиши зурур.

Заготовка олишни мавжуд усулларни таҳлил қилиб, берилган ишлаб чиқариш шароитида деталimiz учун заготовка тайёрлаш мақбул усули деб қуйма қуйиш усулини танладик.

$$S_{\text{заг}} = \left(\frac{C_1}{1000} \cdot Q \cdot R_t \cdot R_c \cdot R_b \cdot R_m \cdot R_n \right) - (Q - q) \frac{S_{\text{отх}}}{1000}, \text{сум}$$

бу ерда

C_1 -бир тонна материал таннархи, сўм

$R_t=1,0$ ([2], 37 б.) – аниқлик коэффициенти;

$R_S=0,84$ ([2], 2.12 ж., 38 б.)-мураккаблик коэффициенти;


$R_b=1,1$ ([2], 2.12 ж., 38 б.)-оғирлик коэффициенти;

$R_m=0,84$ ([2], 33 б.)-материал коэффициенти;

$R_n=1,0$ ([2], 34 б.)-сериаллаш коэффициенти;

29183,616

$$_{заг} = \left(\frac{8000000}{1000} \cdot 1,6 \cdot 1,0 \cdot 0,84 \cdot 1,1 \cdot 0,84 \cdot 1,0 \right) - (1,8 - 1,3) \frac{600000}{1000} = 9634 \text{ сўм}$$



3.1-расм. Заготовка эскизи

3.2. Деталь юзаларига механик ишлов бериш режасини тузиш

Ишчи

3-жадвал

Операц ия №	Ўтиш №	Операция номи ва ўтишлар мазмуни	Базалаш юзаси	Маҳ- камлаш юзаси	Дастгоҳ номи
005		Токарлик-винтқирқар	М,А	М	Токарлик- винт- қирқар 16К20
	1	А ён юза 39 мм га кесилсин.			
	2	Л юза Ø54 мм, L=41 мм сақланиб қора йўнилсин.			
	3	В ён юза Ø38 мм га кесилсин.			
010		Токарлик-винтқирқар	Л,А	М	Токарлик- винт- қирқар 16К20
	1	Б ён юза 39 мм га кесилсин.			
	2	М юза Ø74 мм, L=40 мм га қора йўнилсин.			
	3	Г торец Ø21 мм, L=5 мм га кесилсин.			
	4	Е юза Ø58 мм, L=16 мм га қора йўнилсин.			
	5	Марказий Д тешик Ø18 мм, L=35 мм га зенкерлансин.			
015		Токарлик-винтқирқар	Л	Л	Токарлик- винт- қирқар 16К20
	1	М юза Ø72.2 мм, L=80 мм га тоза йўнилсин			
	2	Марказий Д тешик Ø18.7 мм, L=35 мм га кенгайтирилсин.			
020		Вертикал-пармалаш	Б	М	Вертикал- пармалаш 2Н125
	1	М юзада Ø5 мм га К тешик пармалансин.			
	2	М юзада Ø5.5 мм га К тешик зенкерлансин.			
	3	М юзада Ø6 мм га К тешик развёрткалансин.			
	4	М юзада Ø9.5 мм га Ф тешик пармалаб кенгайтирилсин.			
	5	М юзада Ø10 мм га Ф тешик зенкерлансин.			
025		Доиравий жилвирлаш	Марказий ўқ	Л	Доиравий жилвирлаш 3Е131
	1	М юза Ø72 мм, L=80 мм га жилвирлансин.			
030		Ички жилвирлаш	Марказий ўқ	М	Ички жилвирлаш 3К228В
	1	Д ички юза Ø18 мм, L=35 мм жилвирлансин.			

3.3. Танланган технологик жараёнини асослаш

Серияли ишлаб чиқариш шароитида технологик жараённинг операциялари дифференциаллашган бўлади ёки технологик жараён операцияларига бўлиб юборилади.

Бу ишлаб чиқариш шароитида универсал, махсус, махсуслашган, автоматлаштирилган, агрегат каби дастгоҳлар ишлатилади. Дастгоҳлар, тайёрланаётган маҳсулот тури ўзгартирилганда уларни тайёрлаш имкониятига қараб махсуслаштирилади.

Универсал дастгоҳлардан кенг фойдаланилган ҳолда махсуслаштирилган, махсус мосламалар, стандарт кесувчи асбоблар билан бир қаторда махсус кесувчи асбоблар ҳам қўлланилади. Худди шунингдек, бу ишлаб чиқариш шароитида чегаравий калибрлар, шаблонлардан кенг фойдаланилади. Барча дастгоҳлар, мосламалар, кесувчи ва назорат асбоблари ўз таннарихини тез қоплай олади. Бунинг асосий сабаби тайёрланаётган маҳсулот миқдорининг донали ишлаб чиқаришга нисбатан анча кўплигидир.

Серияли ишлаб чиқариш шароити кенг тарқалган бўлиб, компрессорлар, пресслар, дастгоҳлар, автомобиллар, тўқимачилик ва енгил саноати машиналарини тайёрлашда қўлланилади.

“Барабан” га механик ишлов бериш технологик жараёни ўрта серияли ишлаб чиқариш шароити учун мўлжалланган бўлиб детални тайёрлашга токарлик-винтқирқар 16К20 ва радиал-пармалаш 2Л53У ва 3Е131 Доиравий жилвирлаш дастгоҳлари ишлатилган. Мосламалар сифатида токарлик патронлари қўлланилган. Танланган кесувчи асбоблари стандарт. Ўлчов асбоблари сифатида штангенциркуль, калибр скоба ва назорат мосламаси ишлатилган. Танланган технологик жиҳозлар ва асбоб ускуналар маҳсулотни талаб этилган аниқлик, тозалик ва унумдорликда ишлаб чиқариш имкониятини беради.

3.4. Механик ишлов бериш учун қўйимлар миқдорини аналитик ҳисоби (иккита турли кўринишдаги юзаларга)

Заготовкага механик ишлов бериш жараёнида талаб этилган ўлчамларни, уларни четланишлар доирасида ва юза ғадир-будирлигини таъминлаш мақсадида олиб ташландиган металл қатлами қўйим деб айтилади.

Детал юзасининг талаб этилган тозалигини ва аниқлигини таъминлаш мақсадида ҳар бир технологик ўтишда олиб ташланган қўйимларнинг йиғиндиси умумий қўйим миқдорини ташкил қилади. Қўйимлар миқдори аналитик усулда ва жадваллар ёрдамида аниқланади.

015 операция учун $D=72$ мм, Б юза $L=80$ мм ички юза учун қолдирилган қўйимларни ҳисоби.

Механик ишлов бериш кетма-кетлиги қора йўнишдан иборат.

Қўйим параметрларини ёзамиз:

Заготовка $R_z+T=700$ мкм. ([4] 63-бет 4,3 жад)

Қора, $R_z=50$ мкм, $T=50$ мкм. ([4] 64-бет 4,5 жад)

Тоза, $R_z=30$ мкм, $T=30$ мкм. ([4] 64-бет 4,5 жад)

Берилган заготовкамиз учун фазовий четланишларнинг умумий қиймати қуйидаги формула билан аниқланади:

$$\rho_d = \sqrt{\rho_{кор}^2 + \rho_{см}^2} \quad ([4] \text{ 66-бет 4,7 жад})$$

Б юзанинг короблениясини аниқлаймиз.

$$\rho_{кор} = \Delta_k \cdot D; \quad ([4] \text{ 66-бет 4,7 жад})$$

$$\Delta_k = 0.7 \quad ([4] \text{ 71-бет 4,8 жад})$$

$D=72$ мм.

$$\rho_{кор} = \Delta_k \cdot D = 0.7 \cdot 72 = 50,4 \text{ мкм.}$$

$$\rho_{см} = +0.8 \text{ мм} = 800 \text{ мкм.} \quad ([4] \text{ 28-бет 2,4 жад})$$

$$\rho = \sqrt{50,4^2 + 800^2} = 801 \text{ мкм.}$$

Қора ишлов беришдан сўнг қолдиқ фазовий четланиш қуйидагига тенг бўлади:

$$\rho_2 = \rho_1 \cdot 0,05 = 801 \cdot 0,05 = 40 \text{ мкм.}$$

$$\rho_3 = \rho_2 \cdot 0,05 = 40 \cdot 0,05 = 2 \text{ мкм.}$$

Ўрнатишда ҳосил бўладиган хатоликларни аниқлаймиз.

$$\varepsilon_y = \sqrt{\varepsilon_o^2 + \varepsilon_3^2} \quad ([4] \text{ 74-бет })$$

Берилган деталда ўлчов база билан ўрнатиш базаси бир-бирига мос келгани учун базалаш хатолиги, У ҳолда $\varepsilon_{y_1} = \varepsilon_3 = 70 \text{ мкм}$, $\varepsilon_{y_2} = \varepsilon_{y_1} \cdot 0,05 = 3,5 \text{ мкм}$

Базалаш хатолиги:

$$\varepsilon_{\delta} = \frac{\delta_{zag} + \delta_{det} + \delta_{det}}{2}; \quad ([4] \text{ 76- bet 4,10 jad})$$

Бу ерда:

$\delta_{zag}=740 \text{ мкм}$ -заготовкa допуски;

$\delta_{det}=120 \text{ мкм}$ -допуски;

$\delta_{det}=30 \text{ мкм}$ -допуски;

У ҳолда:

$$\varepsilon_{\delta} = \frac{740+120+30}{3} = 296 \text{ мкм};$$

У ҳолда ўрнатиш хатолиги қуйидагига тенг бўлади:

$$\varepsilon_y = \sqrt{70^2 + 296^2} = 304 \text{ мкм};$$

$$\varepsilon_2 = \varepsilon_1 \cdot 0,05 = 15 \text{ мкм};$$

$$\varepsilon_3 = \varepsilon_2 \cdot 0,05 = 0,7 \text{ мкм};$$

Жадвалга киритилган қийматларга асосан орaлик, ўтишлардан минимал қўйимларни қийматларини қуйидаги формуладан фойдаланиб ҳисоблаймиз:

$$2Z_{\min} = 2(R_{Z_{i-1}} + T_{i-1} + \sqrt{\rho_{i-1}^2 + \varepsilon_i^2})$$

Йўнишда минимал қўйим миқдори.

$$2Z_{\min} = 2(R_{Z_{i-1}} + T_{i-1} + \sqrt{\rho_{i-1}^2 + \varepsilon_i^2})$$

Минимал қўйимларни ҳисоблаймиз:

$$\text{Заготовка} \quad 2Z_{\min_1} = 2(700 + \sqrt{801^2 + 304^2}) = 1556 \text{ мкм}$$

$$\text{Тоза} \quad 2Z_{\min_1} = 2(50 + 50 + \sqrt{40^2 + 15^2}) = 142 \text{ мкм}$$

$$\text{Тоза} \quad 2Z_{\min_1} = 2(30 + 30 + \sqrt{2^2 + 0,7^2}) = 60,1 \text{ мкм}$$

Допуск миқдори $\delta_{zag}=740 \text{ мкм}$ $\delta_{qora}=120 \text{ мкм}$, $\delta_{qora}=30 \text{ мкм}$. ([5] 441-бет 2 жад).

Ҳисобий ўлчамни топамиз:

$$D=72+0,030=72,030 \text{ мкм};$$

$$D=72,030+0,142=72,172 \text{ мкм.}$$

$$D=72,172+1,156=73,328 \text{ мкм.}$$

Келтирилган ўлчамларни ҳисоблаймиз:

$$D=72,030-0,030=72 \text{ мм};$$

$$D=72,172-0,120=72,052 \text{ мм.}$$

$$D=73,328-0,740=72,588 \text{ мм.}$$

Келтирилган қўйимларни ҳисоблаймиз:

$$Z_{\max}=72,172-72,030=0,142 \text{ мкм};$$

$$Z_{\max}=73,328-72,172=1,156 \text{ мкм.}$$

$$Z_{\min}=72,052-72=0,052 \text{ мкм.}$$

$$Z_{\min}=72,588-72,052=0,536 \text{ мкм.}$$

Ҳисобларни текшираемиз:

$$Z_{\max}-Z_{\min}=1,156-0,536=0,620 \text{ мм.}$$

$$\delta_{\text{заг}}-\delta_1=0,740-0,120=0,620 \text{ мм.}$$

Ҳисоб тўғри бажарилган.

L=36 мм, А юза учун қолдирилган қўйимларни ҳисоби.

Механик ишлов бериш кетма-кетлиги қора йўнишдан иборат.

Қўйим параметрларини ёзамиз:

$$\text{Заготовка } R_z=150 \text{ мкм, } T=250 \text{ мкм.} \quad ([4] \text{ 63-бет 4,3 жад})$$

$$\text{Қора, } R_z=50 \text{ мкм, } T=50 \text{ мкм.} \quad ([4] \text{ 64-бет 4,5 жад})$$

$$\text{Тоза, } R_z=10 \text{ мкм, } T=20 \text{ мкм.} \quad ([4] \text{ 64-бет 4,5 жад})$$

Берилган заготовкамиз учун фазовий четланишларнинг умумий қиймати қуйидаги формула билан аниқланади:

$$\rho_d = \sqrt{\rho_{\text{кор}}^2 + \rho_{\text{см}}^2} \quad ([4] \text{ 66-бет 4,7 жад})$$

Б юзанинг короблениясини аниқлаймиз.

$$\rho_{\text{кор}}=\Delta_k \cdot L; \quad ([4] \text{ 66-бет 4,7 жад})$$

$$\Delta_k=0.5$$

([4] 66-бет 4,8 жад)

$$L=36 \text{ мм.}$$

$$\rho_{\text{кор}}=\Delta_k \cdot D=0,5 \cdot 36=18 \text{ мкм.}$$

$$\rho_{\text{см}}=+0.2 \text{ мм}=200 \text{ мкм.}$$

([4] 28-бет 2,4 жад)

$$\rho = \sqrt{18^2 + 200^2} = 200,7 \text{ мкм.}$$

Қора ишлов беришдан сўнг қолдиқ фазовий четланиш қуйидагига тенг бўлади:

$$\rho_2=\rho_1 \cdot 0,05=202,2 \cdot 0,05=10 \text{ мкм.}$$

$$\rho_3=\rho_2 \cdot 0,05=10 \cdot 0,05=0.5 \text{ мкм.}$$

Ўрнатишда ҳосил бўладиган хатоликларни аниқлаймиз.

$$\varepsilon_y = \sqrt{\varepsilon_{\delta}^2 + \varepsilon_3^2} \quad ([4] 74\text{-бет})$$

Берилган деталда ўлчов база билан ўрнатиш базаси бир-бирига мос келгани учун базалаш хатолиги, У ҳолда $\varepsilon_{y_1} = \varepsilon_3 = 70 \text{ мкм}$, $\varepsilon_{y_2} = \varepsilon_{y_1} \cdot 0,05 = 3,5 \text{ мкм}$

Базалаш хатолиги:

$$\varepsilon_{\delta} = \frac{\delta_{\text{zag}} + \delta_{\text{дет}} + \delta_{\text{дет}}}{2}; \quad ([4] 76\text{-бет } 4,10 \text{ жад})$$

Бу ерда:

$\delta_{\text{zag}}=620 \text{ мкм}$ -загатровка допуски;

$\delta_{\text{дет}}=100 \text{ мкм}$ -допуски;

$\delta_{\text{дет}}=25 \text{ мкм}$ -допуски;

У ҳолда:

$$\varepsilon_{\delta} = \frac{620+100+25}{3} = 248 \text{ мкм;}$$

У ҳолда ўрнатиш хатолиги қуйидагига тенг бўлади:

$$\varepsilon_y = \sqrt{70^2 + 248^2} = 257 \text{ мкм;}$$

$$\varepsilon_2=\varepsilon_1 \cdot 0.05=12 \text{ мкм;}$$

$$\varepsilon_3=\varepsilon_2 \cdot 0.05=0,6 \text{ мкм;}$$

Жадвалга киритилган қийматларга асосан оралик, ўтишлардан минимал қўйимларни қийматларини қуйидаги формуладан фойдаланиб ҳисоблаймиз:

$$2Z_{\min} = 2(R_{Z_{i-1}} + T_{i-1} + \sqrt{\rho_{i-1}^2 + \varepsilon_i^2})$$

Йўнишда минимал қўйим миқдори.

$$2Z_{\min} = 2(R_{Z_{i-1}} + T_{i-1} + \sqrt{\rho_{i-1}^2 + \varepsilon_i^2})$$

Минимал қўйимларни ҳисоблаймиз:

Заготовка $2Z_{\min_1} = 2(150 + 250 + \sqrt{200,7^2 + 257^2}) = 726 \text{ мкм}$

Тоза $2Z_{\min_1} = 2(50 + 50 + \sqrt{10^2 + 12^2}) = 115 \text{ мкм}$

Тоза $2Z_{\min_1} = 2(10 + 20 + \sqrt{0,5^2 + 0,6^2}) = 30,7 \text{ мкм}$

Допуск миқдори $\delta_{\text{заг}}=620 \text{ мкм}$ $\delta_{\text{qora}}=100 \text{ мкм}$, $\delta_{\text{qora}}=25 \text{ мкм}$. ([5] 441-бет 2 жад).

Ҳисобий ўлчамни топамиз:

$$L=35+0,025=35,025 \text{ мкм};$$

$$L=35,025+0,115=35,140 \text{ мкм}.$$

$$L=35,14+0,726=35,866 \text{ мкм}.$$

Келтирилган ўлчамларни ҳисоблаймиз:

$$L=35,025-0,025=35 \text{ мм};$$

$$L=35,140-0,10=35,04 \text{ мм}.$$

$$L=35,866-0,620=35,246 \text{ мм}.$$

Келтирилган қўйимларни ҳисоблаймиз:

$$Z_{\max}=35,14-35,025=0,115 \text{ мкм};$$

$$Z_{\max}=35,866-35,14=0,726 \text{ мкм}.$$

$$Z_{\min}=35,04-35=0,04 \text{ мкм}.$$

$$Z_{\min}=35,246-35,04=0,206 \text{ мкм}.$$

Ҳисобларни текшираимиз:

$$Z_{\max}-Z_{\min}=0,726-0,206=0,520 \text{ мм}.$$

$$\delta_{\text{заг}}-\delta_1=0,620-0,100=0,520 \text{ мм}.$$

Ҳисоб тўғри бажарилган.

3.5. Механик ишлов бериш учун қўйимлар миқдорини жадвал усули билан ҳисоби (иккита турли кўринишдаги юзалар учун)

Механик ишлов бериш учун қолдирилган қўйимларни аналитик ҳисоби К ва Н юзалар учун бажарилган бўлиб, қолган юзалар учун қўйимлар миқдорини жадваллар ёрдамида аниқлаймиз.

5-жадвал

Қўйимлар жадвалий миқдори

Юза	Ўлчам	Жадвалий қўйим	Допуск
Б	36 мм	2,5	$\pm 0,3$
Г	19 мм	2·2,5	+0,75
Д	Ø18 мм	2·2,5	+0,25
К	Ø6 мм	2·2,5	$\pm 0,25$
Ф	Ø10 мм	2·2,5	$\pm 0,3$
Е	Ø56 мм	2·2,5	+0,75

3.6. Кесиш маромларини қисқа-аналитик усулда ҳисоблаш ва асосий вақтни аниқлаш (иккита турли кўринишдаги юзаларга)

Операция 005 Токарлик-винтқирқар

1-ўтиш. А ён юза 39 мм га кесилсин.

Дастгоҳ. Токарлик-винтқирқар 16K20

Қўйим миқдори $h=2$ мм.

Юза ғадир-будурлиги $R_z=40$ мкм.

Заготовка материали-СЧ15

1. Кескични танлаймиз ва геометрик элементларини ўрнатамиз. Ён томон кесувчи кескични танлаймиз. Кесувчи қисми материали ВК8 қаттиқ қотишма;

кескични тана материали чўян 45; кескич танасини кесими 16х25 мм; кескич узунлиги 150 мм.

Қабул қиламиз [10] $\gamma=12^0$; $\gamma_{\phi}=-3^0$; $\alpha=10^0$; $\lambda=0^0$ (30-ж., 188 б.); $\phi=45^0$; $\phi_1=45^0$ (31-ж., 190 б.); $r=1$ мм (32-ж., 190 б.).

I. Кесиш маромларини тайинлаймиз [7].

1. Кесиш чуқурлиги

$t=h=2$ мм.

2. Сурилиш қийматини аниқлаймиз (14-ж., 268 б.).

$S_0=0,15$ мм/айл

Дастгоҳ бўйича қабул қиламиз

$S_0=0,15$ мм/айл

3. Кескични тарғунлигини аниқлаймиз

$T=60$ дақ (268 б.).

4. Кесиш тезлигини аниқлаймиз.

$$V_{и} = \frac{C_v}{T^m t^x S_0^y} K_v$$

17-ж. (270б.) дан коэффициент ва даража кўрсаткичларини аниқлаймиз

$C_v=420$; $x=0,15$; $y=0,2$; $m=0,2$.

Тўғрилаш коэффициентларини инобатга оламиз:

$$K_{mv} = \left(\frac{75}{\sigma_b}\right) \quad (1\text{-ж.}, 261\text{б.});$$

$$K_{mv} = \left(\frac{75}{70}\right) = 1,05;$$

$K_{nv}=1,0$ (5-ж., 263 б.), $K_{nv}=0,8$ (6-ж., 863б.), $K_{\phi v}=0,8$ (18-ж., 271 б.),

([10], 17-ж., 427 б.) дан аниқлаймиз $K_{ov}=0,8$.

$$V_u = \frac{C_v}{T^m t^{xv} S_0^{y0}} K_{mv} K_{nv} K_{iv} K_{\phi v} K_{ov} = \frac{420}{60^{0,2} \cdot 2^{0,15} \cdot 0,15^{0,2}} 1,05 \cdot 1,0 \cdot 0,8 \cdot 0,8 \cdot 0,8 = 140$$

м/дақ.

5. Шпинделни айланишлар сонини аниқлаймиз:

$$n = \frac{1000\nu_u}{\pi D} = \frac{1000 \cdot 140}{3,14 \cdot 78} = 573 \text{ айл/дақ}$$

Дастгоҳ бўйича қабул қиламиз $n=600$ айл/дақ

6. Ҳақиқий кесиш тезлиги

$$\nu = \frac{\pi D n}{1000} = \frac{3,14 \cdot 78 \cdot 600}{1000} = 146 \text{ м/дақ}$$

7. Кесиш тезлиги

$$N = \frac{P_Z \nu}{60 \cdot 102} \text{ кВт},$$

бу ерда

$$P_Z = 9,81 C_{pZ} t^{zp_z} S_0^{yp_z} \nu^{np_z} K_{pz} H \quad (271 \text{ б.}).$$

бу ерда

$$C_P = 300; x_{PZ} = 1; y_{PZ} = 0,75; n_{PZ} = 0 \text{ (22-ж., 274 б.)}.$$

Тўғирилаш коэффициентларини инобатга оламиз

$$([7], 9\text{ж.}, 2645.): K_{mp} = \left(\frac{\sigma_B}{75}\right)^{np}; n_p = 0,75; K_{mp} = \left(\frac{70}{75}\right)^{0,75} = 0,9$$

$$K_{\varphi p} = 1,0 \text{ (23-ж., 275 б.)},$$

$$K_{\gamma p} = 1,0; K_{\lambda p} = 1,0$$

$$\begin{aligned} P_Z &= 9,81 C_{pZ} t^{x_{pz}} S_0^{y_{pz}} \nu^{n_{pz}} K_{mpz} K_{\varphi pz} K_{\gamma pz} K_{\lambda pz} = \\ &= 9,81 \cdot 300 \cdot 2,1 \cdot 0,15^{0,75} \cdot 111^0 \cdot 0,9 \cdot 1,0 \cdot 1,0 \cdot 1,0 = 1204 H \\ &(\approx 122 \text{ кгс}). \end{aligned}$$

$$N_{keS} = \frac{122 \cdot 135}{60 \cdot 102} = 2,6 \text{ кВт}.$$

8. Дастгоҳ бўйича текширамиз

$$N_{\text{шт}} = N_d \eta = 10 \cdot 0,75 = 7,5 \text{ кВт}; N_{keS} = 2,5 \leq N_{\text{шт}} = 7,5 \text{ ишлов бериш мумкин}.$$

III. Асосий вақт

$$T_0 = \frac{Li}{nS_0}.$$

Ишчи юриш узунлиги $L = l + y + \Delta$.

$$L = 39 + 2 + 2 = 43 \text{ мм}; \quad \text{бу ерда } y = t \cdot \tan 45^\circ = 2 \text{ мм. } \Delta = 2 \text{ мм.}$$

$$T_0 = \frac{43}{600 \cdot 0,15} = 0,47 \text{ дақ}$$

Операция 020 Вертикал пармалаш

3-ўтиш. М юзада Ø5 мм га К тешиқ пармалансин.

Дастгоҳ. Вертикал-пармалаш 2Н125

Қўйим миқдори $h = 2.5 \text{ мм}$.

Юза ғадир-будурлиги $R_z = 40 \text{ мкм}$.

Заготовка материали-СЧ15

1. Пармани танлаймиз ва унинг геометрик элементларини ўрнатамиз.

Қабул қиламиз $D = 5,4 \text{ мм}$. Кесувчи қисм материали тез кесар чўян Р6М5.

Геометрик элементлари: [10] маълумотномадан фойдаланиб

$$2\varphi = 118^\circ; \quad 2\varphi_0 = 70^\circ; \quad \psi = 55^\circ; \quad \alpha = 11^\circ.$$

II. Кесиш маромини тайинлаймиз

1. Кесиш чуқурлиги

$$t = 2,7 \text{ мм}$$

2. Сурилиш қиймати (карта 52, 1166).

$$S_0 = 0,1 \text{ мм/айл.}$$

Дастгоҳ бўйича қабул қиламиз

$$S_0 = 0,1 \text{ мм/айл.}$$

3. Парманинг турғунлиги

$$T = 30 \text{ дақ.}$$

4. Кесиш тезлигини аниқлаймиз.

$$v_u = \frac{C_g D^q}{T^m t^x S_0^y} K_v$$

28-ж. (с. 434) дан коэффициент ва даража кўрсаткичларини аниқлаймиз

$$C_v = 7; \quad q_v = 0,4; \quad x_v = 0; \quad y_v = 0,5; \quad m = 0,2.$$

Тўғирлаш коэффициентларини инобатга оламиз K_{mv} (1-ж., 261 б.):

Тўғрилаш коэффициентлари: K_{mv} ([7], 1-ж., 261б.): $K_{mv} = \left(\frac{75}{\sigma_b}\right)$;

$$K_{mv} = \left(\frac{75}{70}\right) = 1,05;$$

$K_{nv} = 1,0$ (5-ж., 263 б.), $K_{iv} = 1,0$ (6-ж., 863б.),

$K_{fv} = 1,0$ (18-ж., 271 б.),

([10], 17-ж., 427 б.) дан аниқлаймиз $K_{ov} = 1,1$.

$$K_v = K_{mv} K_{nv} K_{iv} K_{fv} K_{ov} = 1,05 \cdot 1,0 \cdot 1,0 \cdot 1,0 \cdot 0,9 = 0,94$$

$$v_u = \frac{C_g D^q}{T^m t^x S_o^y} K_v = \frac{7 \cdot 5^{0,4}}{30^{0,2} \cdot 0,1^{0,5}} \cdot 0,94 = 27 \text{ м/дақ}$$

5. Шпиндельни айланишлар сонини аниқлаймиз.

$$n = \frac{1000 v_u}{\pi D} = \frac{1000 \cdot 27}{3,14 \cdot 5} = 1719 \text{ айл/дақ}$$

Дастгоҳ бўйича қабул қиламиз

$$n_D = 1600 \text{ айл/дақ}$$

6. Ҳақиқий кесиш тезлиги.

$$v = \frac{\pi D n}{1000} = \frac{3,14 \cdot 5 \cdot 1600}{1000} = 25,12 \text{ м/дақ}$$

7. Пармалашдаги буровчи момент

$$M = C_m D^q S_o^y K_p$$

(31-ж. 436 б.) дан коэффициент ва даража кўрсаткичларини аниқлаймиз

$$C_m = 0,0345; q_m = 2; y_m = 0,8. K_p = K_m = 1,05.$$

$$M = 9,81 \cdot 0,0345 \cdot 5,4^2 \cdot 0,1^{0,8} \cdot 0,94 = 1 \text{ Н·м (0,1 кгс·м)}$$

8. Кесиш қўвватини топамиз

$$N_p = \frac{M n}{975} = \frac{1 \cdot 1600}{975} = 1,6 \text{ кВт}$$

9. Қувват бўйича текшираимиз

$N < N_{шт.}$ дастгоҳда $N = 1,4 < N_{шт} = N_{дп} = 2,2 \cdot 0,8 = 1,76 \text{ кВт}$. ишлов бериш мумкин

III. Асосий вақт

$$T_0 = \frac{L}{n S_o};$$

$L=l+y+\Delta$ мм. Пармалашда $y=5$ мм. Қабул қиламиз $\Delta=3$ мм. Бунда $L=8+5+3=16$ мм;

$$T_0 = \frac{16}{1600 \cdot 0,1} = 0,1 \text{ дақ.}$$

3.7 Кесиш маромларини жадваллар усулида ҳисоблаш ва асосий вақтларни аниқлаш (қолган юзалар учун)

Операция 005 Токарлик-винтқирқар

Дастгоҳ: Токарлик-винтқирқар 16К20

2 -ўтиш. Л юза Ø54 мм, L=41 мм сақланиб қора йўнилсин.

Ён томон кесувчи кескич, ГОСТ 18880-73, ВК8

1. Ишчи юриш узунлигини топамиз

$$L_{\text{и.юр.}} = L_{\text{кес}} + y + L_{\text{к}}, \text{ мм}$$

$$L_{\text{кес}} = 41 \text{ мм}$$

$$y = 2 + 3 = 5 \text{ мм}$$

$$L_{\text{к}} = 2 \text{ мм ([2], 300б)}$$

$$L_{\text{и.юр.}} = 41 + 5 + 2 = 48 \text{ мм}$$

2. Суриш кийматини аниқлаймиз

$$S_o = 0,1 \text{ мм/айл ([2], Т-2,22б)}$$

дастгоҳ буйича қабул қиламиз

$$S_o = 0,1 \text{ мм/айл}$$

3. Кескич тургунлик даври

$$T = 60 \text{ дақ ([2], Т-3,26б.)}$$

4. Кесиш тезлигини топамиз

$$V = V_{\text{ж}} \cdot K_1 \cdot K_2 \cdot K_3, \text{ м/дақ}$$

$$V_{\text{ж}} = 160 \text{ м/дақ}$$

K_1 -материалга боғлиқ коэффициент;

$$K_1 = 0,9 \text{ ([2], Т-4, 29б.)}$$

K_2 - тургунликга боғлиқ коэффициент;

$$K_2=1,0 \text{ ([2], Т-4, 296.)}$$

K_3 - ишлов бериш турига боғлиқ коэффициент;

$$K_3=1,0 \text{ ([2], Т-4, 296.)}$$

$$V = 160 \cdot 0,9 \cdot 1,0 \cdot 1,0 = 144 \text{ м/дақ}$$

5. Шпиндельни айланишлар сони аниқлаймиз

$$n = \frac{1000v}{\pi d} = \frac{1000 \cdot 144}{3,14 \cdot 54} = 872 \text{ айл/дақ}$$

дастгоҳ буйича қабул қиламиз

$$n=1000 \text{ айл/дақ}$$

6. Хакикий кесиш тезлигини топамиз

$$V = \frac{\pi \cdot d \cdot n}{1000} = \frac{3,14 \cdot 54 \cdot 1000}{1000} = 169 \text{ м/дақ}$$

7. Асосий вақт

$$t_a = \frac{L_{и.юр}}{S_0 \cdot n} = \frac{48}{0,1 \cdot 1000} = 0,48 \text{ дақ}$$

8. Кесиш кучини топамиз

$$P_z = P_{z_{ж}} \cdot K_1 \cdot K_2, \text{ кг}$$

$$P_z=150 \text{ кг ([2], Т-5, 356.)}$$

K_1 - материалга боғлиқ коэффициент

$$K_1=0,9$$

K_2 - кесиш тезлигига боғлиқ коэффициент

$$K_2=1$$

$$P_z = 150 \cdot 0,9 \cdot 1 = 135 \text{ кг}$$

9. Кесиш қувватини топамиз

$$N_{кес} = \frac{P_z \cdot V}{6120} = \frac{135 \cdot 169}{6120} = 3,7 \text{ кВт}$$

10. Текшириш

$$N_{кес} = 2,6 < N_d \cdot \eta = 7,5$$

Ишлов бериш мумкин.

3-ўтиш. В ён юза Ø38 мм га кесилсин.

Ён томон кесувчи кескич, ГОСТ 18880-73, ВК8

1. Ишчи юриш узунлигини топамиз

$$L_{\text{и.юр.}} = L_{\text{кес}} + y + L_{\text{к}}, \text{ мм}$$

$$L_{\text{кес}} = 38 \text{ мм}$$

$$y = 2 + 3 = 5 \text{ мм}$$

$$L_{\text{к}} = 2 \text{ мм ([2], 3006)}$$

$$L_{\text{и.юр.}} = 38 + 5 + 2 = 45 \text{ мм}$$

2. Суриш кийматини аниқлаймиз

$$S_o = 0,1 \text{ мм/айл ([2], Т-2,226)}$$

дастгоҳ буйича қабул қиламиз

$$S_o = 0,1 \text{ мм/айл}$$

3. Кескич тургунлик даври

$$T = 60 \text{ дақ ([2], Т-3,266.)}$$

4. Кесиш тезлигини топамиз

$$V = V_{\text{ж}} \cdot K_1 \cdot K_2 \cdot K_3, \text{ м/дақ}$$

$$V_{\text{ж}} = 160 \text{ м/дақ}$$

K_1 -материалга боғлиқ коэффициент;

$$K_1 = 0,9 \text{ ([2], Т-4, 296.)}$$

K_2 - тургунликга боғлиқ коэффициент;

$$K_2 = 1,0 \text{ ([2], Т-4, 296.)}$$

K_3 - ишлов бериш турига боғлиқ коэффициент;

$$K_3 = 1,0 \text{ ([2], Т-4, 296.)}$$

$$V = 160 \cdot 0,9 \cdot 1,0 \cdot 1,0 = 144 \text{ м/дақ}$$

5. Шпиндельни айланишлар сони аниқлаймиз

$$n = \frac{1000v}{\pi d} = \frac{1000 \cdot 144}{3,14 \cdot 79} = 581 \text{ айл/дақ}$$

дастгоҳ буйича қабул қиламиз

$$n = 630 \text{ айл/дақ}$$

6. Хакикий кесиш тезлигини топамиз

$$V = \frac{\pi \cdot d \cdot n}{1000} = \frac{3,14 \cdot 79 \cdot 630}{1000} = 156 \text{ м/дақ}$$

7. Асосий вақт

$$t_a = \frac{L_{\text{и.юр}}}{S_0 \cdot n} = \frac{45}{0,1 \cdot 630} = 0,7 \text{ дақ}$$

8. Кесиш кучини топамиз

$$P_z = P_{z_{\text{ис}}} \cdot K_1 \cdot K_2, \text{ кг}$$

$$P_{z_{\text{ис}}} = 150 \text{ кг} ([2], \text{ Т-5, 356.})$$

K_1 - материалга боғлиқ коэффициент

$$K_1 = 0,9$$

K_2 - кесиш тезлигига боғлиқ коэффициент

$$K_2 = 1$$

$$P_z = 150 \cdot 0,9 \cdot 1 = 135 \text{ кг}$$

9. Кесиш қувватини топамиз

$$N_{\text{кес}} = \frac{P_z \cdot V}{6120} = \frac{135 \cdot 156}{6120} = 3,4 \text{ кВт}$$

10. Текшириш

$$N_{\text{кес}} = 2,5 < N_d \cdot \eta = 7,5$$

Ишлов бериш мумкин.

Операция 010 Токарлик-винтқирқар

1-ўтиш. Б ён юза 39 мм га кесилсин.

Ён томон кесувчи кескич, ГОСТ 18880-73, ВК8

1. Ишчи юриш узунлигини топамиз

$$L_{\text{и.юр.}} = L_{\text{кес}} + y + L_{\text{к}}, \text{ мм}$$

$$L_{\text{кес}} = 39 \text{ мм}$$

$$y = 2 + 3 = 5 \text{ мм}$$

$$L_{\text{к}} = 2 \text{ мм} ([2], 3006)$$

$$L_{\text{и.юр.}} = 39 + 5 + 2 = 46 \text{ мм}$$

2. Суриш кийматини аниқлаймиз

$$S_o = 0,1 \text{ мм/айл ([2], Т-2,22б)}$$

дастгоҳ буйича қабул қиламиз

$$S_o = 0,1 \text{ мм/айл}$$

3. Кескич тургунлик даври

$$T=60 \text{ дақ ([2], Т-3,26б.)}$$

4. Кесиш тезлигини топамиз

$$V = V_{ж} \cdot K_1 \cdot K_2 \cdot K_3, \text{ м/дақ}$$

$$V_{ж}=160 \text{ м/дақ}$$

K_1 -материалга боғлиқ коэффициент;

$$K_1=0,9 \text{ ([2], Т-4, 29б.)}$$

K_2 - тургунликга боғлиқ коэффициент;

$$K_2=1,0 \text{ ([2], Т-4, 29б.)}$$

K_3 - ишлов бериш турига боғлиқ коэффициент;

$$K_3=1,0 \text{ ([2], Т-4, 29б.)}$$

$$V = 160 \cdot 0,9 \cdot 1,0 \cdot 1,0 = 144 \text{ м/дақ}$$

5. Шпиндельни айланишлар сони аниқлаймиз

$$n = \frac{1000v}{\pi d} = \frac{1000 \cdot 144}{3,14 \cdot 78} = 59 \text{ айл/дақ}$$

дастгоҳ буйича қабул қиламиз

$$n=630 \text{ айл/дақ}$$

6. Хақиқий кесиш тезлигини топамиз

$$V = \frac{\pi \cdot d \cdot n}{1000} = \frac{3,14 \cdot 78 \cdot 630}{1000} = 156 \text{ м/дақ}$$

7. Асосий вақт

$$t_a = \frac{L_{и.юр}}{S_o \cdot n} = \frac{46}{0,1 \cdot 630} = 0,7 \text{ дақ}$$

8. Кесиш кучини топамиз

$$P_z = P_{z_{ж}} \cdot K_1 \cdot K_2, \text{ кг}$$

$$P_z=150 \text{ кг}([2], \text{ Т-5, 356. })$$

K_1 - материалга боғлиқ коэффициент

$$K_1=0,9$$

K_2 -кесиш тезлигига боғлиқ коэффициент

$$K_2=1$$

$$P_z = 150 \cdot 0,9 \cdot 1 = 135 \text{ кг}$$

9. Кесиш қувватини топамиз

$$N_{\text{кес}} = \frac{P_z \cdot V}{6120} = \frac{135 \cdot 156}{6120} = 3,4 \text{ кВт}$$

10.Текшириш

$$N_{\text{кес}} = 2,5 < N_d \cdot \eta = 7,5$$

Ишлов бериш мумкин.

2-ўтиш. М юза Ø74 мм, L=40 мм га қора йўнилсин.

Кесувчи асбоб, Йўниб кенгайтириш кескичи, ГОСТ 18882-73, ВК8

1. Ишчи юриш узунлигини топамиз

$$L_{\text{и.юр.}} = L_{\text{кес}} + y + L_{\text{к}}, \text{ мм}$$

$$L_{\text{кес}} = 40 \text{ мм}$$

$$y = 2 + 3 = 5 \text{ мм}$$

$$L_{\text{к}} = 2 \text{ мм} ([2], 3006)$$

$$L_{\text{и.юр.}} = 40 + 5 + 2 = 45 \text{ мм}$$

2. Суриш кийматини аниқлаймиз

$$s_o = 0,15 \text{ мм/айл} ([2], \text{ Т-2,226})$$

дастгоҳ буйича қабул қиламиз

$$s_o = 0,15 \text{ мм/айл}$$

3.Кескич тургунлик даври

$$T = 60 \text{ дақ} ([2], \text{ Т-3,266.})$$

4. Кесиш тезлигини топамиз

$$V = V_{\text{ж}} \cdot K_1 \cdot K_2 \cdot K_3, \text{ м/дақ}$$

$$V_{ж}=140 \text{ м/дақ}$$

K_1 -материалга боғлиқ коэффициент;

$$K_1=0,9 \text{ ([2], Т-4, 296.)}$$

K_2 - тургунликга боғлиқ коэффициент;

$$K_2=1,0 \text{ ([2], Т-4, 296.)}$$

K_3 - ишлов бериш турига боғлиқ коэффициент;

$$K_3=1,0 \text{ ([2], Т-4, 296.)}$$

$$V = 140 \cdot 0,9 \cdot 1,0 \cdot 1,0 = 126 \text{ м/дақ}$$

5. Шпиндельни айланишлар сони аниқлаймиз

$$n = \frac{1000v}{\pi d} = \frac{1000 \cdot 126}{3,14 \cdot 74} = 543 \text{ айл/дақ}$$

дастгоҳ буйича қабул қиламиз

$$n=630 \text{ айл/дақ}$$

6. Хакикий кесиш тезлигини топамиз

$$V = \frac{\pi \cdot d \cdot n}{1000} = \frac{3,14 \cdot 74 \cdot 630}{1000} = 146 \text{ м/дақ}$$

7. Асосий вақт

$$t_a = \frac{L_{и.юр}}{S_0 \cdot n} = \frac{45}{0,15 \cdot 630} = 0,47 \text{ дақ}$$

8. Кесиш кучини топамиз

$$P_z = P_{z_{ж}} \cdot K_1 \cdot K_2, \text{ кг}$$

$$P_z=140 \text{ кг([2], Т-5, 356.)}$$

K_1 - материалга боғлиқ коэффициент

$$K_1=0,9$$

K_2 -кесиш тезлигига боғлиқ коэффициент

$$K_2=1$$

$$P_z = 140 \cdot 0,9 \cdot 1 = 126 \text{ кг}$$

9. Кесиш қувватини топамиз

$$N_{кес} = \frac{P_z \cdot V}{6120} = \frac{126 \cdot 146}{6120} = 3,0 \text{ кВт}$$

10.Текшириш

$$N_{\text{кес}} = 2,4 < N_d \cdot \eta = 7,5$$

Ишлов бериш мумкин.

3-ўтиш. Г торец Ø21 мм, L=5 мм га кесилсин.

Кесувчи асбоб, Йўниб кенгайтириш кескичи, ГОСТ 18882-73, ВК8

1. Ишчи юриш узунлигини топамиз

$$L_{\text{и.юр.}} = L_{\text{кес}} + y + L_{\text{к}}, \text{ мм}$$

$$L_{\text{кес}} = 5 \text{ мм}$$

$$y = 2 + 3 = 5 \text{ мм}$$

$$L_{\text{к}} = 2 \text{ мм} ([2], 3006)$$

$$L_{\text{и.юр.}} = 21 + 5 + 2 = 28 \text{ мм}$$

2. Суриш кийматини аниқлаймиз

$$S_o = 0,15 \text{ мм/айл} ([2], \text{Т-2,226})$$

дастгоҳ буйича қабул қиламиз

$$S_o = 0,15 \text{ мм/айл}$$

3.Кескич тургунлик даври

$$T = 60 \text{ дақ} ([2], \text{Т-3,266.})$$

4. Кесиш тезлигини топамиз

$$V = V_{\text{ж}} \cdot K_1 \cdot K_2 \cdot K_3, \text{ м/дақ}$$

$$V_{\text{ж}} = 140 \text{ м/дақ}$$

K_1 -материалга боғлиқ коэффициент;

$$K_1 = 0,9 ([2], \text{Т-4, 296.})$$

K_2 - тургунликга боғлиқ коэффициент;

$$K_2 = 1,0 ([2], \text{Т-4, 296.})$$

K_3 - ишлов бериш турига боғлиқ коэффициент;

$$K_3 = 1,0 ([2], \text{Т-4, 296.})$$

$$V = 140 \cdot 0,9 \cdot 1,0 \cdot 1,0 = 126 \text{ м/дақ}$$

5. Шпиндельни айланишлар сони аниқлаймиз

$$n = \frac{1000\nu}{\pi d} = \frac{1000 \cdot 126}{3,14 \cdot 21} = 1511 \text{ айл/дақ}$$

дастгоҳ буйича қабул қиламиз

$$n=1600 \text{ айл/дақ}$$

6. Хакикий кесиш тезлигини топамиз

$$V = \frac{\pi \cdot d \cdot n}{1000} = \frac{3,14 \cdot 21 \cdot 1600}{1000} = 10 \text{ м/дақ}$$

7. Асосий вақт

$$t_a = \frac{L_{\text{и.юр}}}{S_o \cdot n} = \frac{28}{0,15 \cdot 1600} = 0,11 \text{ дақ}$$

8. Кесиш кучини топамиз

$$P_z = P_{z_{\text{ж}}} \cdot K_1 \cdot K_2, \text{ кг}$$

$$P_z=140 \text{ кг} ([2], \text{ Т-5, 356. })$$

K_1 - материалга боғлиқ коэффициент

$$K_1=0,9$$

K_2 -кесиш тезлигига боғлиқ коэффициент

$$K_2=1$$

$$P_z = 140 \cdot 0,9 \cdot 1 = 126 \text{ кг}$$

9. Кесиш қувватини топамиз

$$N_{\text{кес}} = \frac{P_z \cdot V}{6120} = \frac{126 \cdot 105}{6120} = 2,1 \text{ кВт}$$

10. Текшириш

$$N_{\text{кес}} = 2,3 < N_d \cdot \eta = 7,5$$

Ишлов бериш мумкин.

4-ўтиш. Е юза Ø58 мм, L=16 мм га қора йўнилсин.

Ён томон кесувчи кескич, ГОСТ 18880-73, ВК8

1. Ишчи юриш узунлигини топамиз

$$L_{\text{и.юр.}} = L_{\text{кес}} + y + L_{\text{к}}, \text{ мм}$$

$$L_{\text{кес}} = 16 \text{ мм}$$

$$y = 2 + 3 = 5 \text{ мм}$$

$$L_k = 2 \text{ мм ([2], 3006)}$$

$$L_{\text{и.юр.}} = 16 + 5 + 2 = 23 \text{ мм}$$

2. Суриш кийматини аниқлаймиз

$$S_o = 0,15 \text{ мм/айл ([2], Т-2,226)}$$

дастгоҳ буйича қабул қиламиз

$$S_o = 0,15 \text{ мм/айл}$$

3. Кескич тургунлик даври

$$T = 60 \text{ дақ ([2], Т-3,266.)}$$

4. Кесиш тезлигини топамиз

$$V = V_{\text{ж}} \cdot K_1 \cdot K_2 \cdot K_3, \text{ м/дақ}$$

$$V_{\text{ж}} = 140 \text{ м/дақ}$$

K_1 -материалга боғлиқ коэффициент;

$$K_1 = 0,9 \text{ ([2], Т-4, 296.)}$$

K_2 - тургунликга боғлиқ коэффициент;

$$K_2 = 1,0 \text{ ([2], Т-4, 296.)}$$

K_3 - ишлов бериш турига боғлиқ коэффициент;

$$K_3 = 1,0 \text{ ([2], Т-4, 296.)}$$

$$V = 140 \cdot 0,9 \cdot 1,0 \cdot 1,0 = 126 \text{ м/дақ}$$

5. Шпиндельни айланишлар сони аниқлаймиз

$$n = \frac{1000v}{\pi d} = \frac{1000 \cdot 126}{3,14 \cdot 58} = 69,1 \text{ айл/дақ}$$

дастгоҳ буйича қабул қиламиз

$$n = 800 \text{ айл/дақ}$$

6. Хақиқий кесиш тезлигини топамиз

$$V = \frac{\pi \cdot d \cdot n}{1000} = \frac{3,14 \cdot 58 \cdot 800}{1000} = 14,5 \text{ м/дақ}$$

7. Асосий вақт

$$t_a = \frac{L_{\text{и.юр.}}}{S_o \cdot n} = \frac{23}{0,15 \cdot 800} = 0,19 \text{ дақ}$$

8. Кесиш кучини топамиз

$$P_z = P_{z_{ж}} \cdot K_1 \cdot K_2, \text{ кг}$$

$$P_z = 140 \text{ кг} ([2], \text{ Т-5, 356. })$$

K_1 - материалга боғлиқ коэффициент

$$K_1 = 0,9$$

K_2 -кесиш тезлигига боғлиқ коэффициент

$$K_2 = 1$$

$$P_z = 140 \cdot 0,9 \cdot 1 = 126 \text{ кг}$$

9. Кесиш кувватини топамиз

$$N_{кес} = \frac{P_z \cdot V}{6120} = \frac{126 \cdot 145}{6120} = 2,9 \text{ кВт}$$

10. Текшириш

$$N_{кес} = 2,3 < N_d \cdot \eta = 7,5$$

Ишлов бериш мумкин.

5-ўтиш. Марказий Д тешик Ø18 мм, L=35 мм га зенкерлансин.

Токарлик-винт-қирқар 16К20 дастгоҳи. Ишлов беришга қолдирилган қўйим миқдори $h=3$ мм. Механик ишлов беришдан сўнг юзанинг ғадир-будурлиги $P_z=40$ мкм га тенг. Заготовка materiali СЧ 15 маркали бўлиб, унинг қаттиқлиги 217 НВ га тенг. Кескич ва унинг геометрик элементлари: $D=18$ мм кесувчи қисм materiali ВК8, тишлар сони $z=4$. ([5]155бет,48жад) қаттиқлиги 217 НВ бўлса, $\gamma=15^\circ$, $\alpha=8^\circ$, $\varphi=60^\circ$, $\varphi_1=30^\circ$, $\omega=25^\circ$.

Кесиш маромлари:

1.Кесиш чуқурлигини белгилаймиз. Бир марта ўтиш билан қўйим миқдорини олиб ташлашда $t=h=3$ мм.

2.Суриш қийматини аниқлаймиз: [4] (26 жад, 277-б); $S_o=1.2$ мм/айл.

Дастгоҳ паспорти бўйича коректировкалаб $S_o=1.6$ мм/айл ни қабул қиламиз.

3.Кескични турғунлик даврини аниқлаймиз:

Бунда битта кескич билан ишлов беришда $T=30...60$ дақ эканлигини этиборга олиб $T=30$ дақ деб қабул қиламиз. ([4] (662-б 7-жад)

4.Кесишда асосий ҳаракатни тезлигини аниқлайлик.

Агар $S_o=1.6$ мм/айл, бўлса $D=20$ мм, гача бўлса, $V_{ж}=26$ м/дақ.

[4] (666-бет, 7-жад)Тўғрилаш коэфитсиенти: $K=1.35$;

$$V_{и}=V_{ж} \cdot K=26 \cdot 1.35=35.1 \text{ м/дақ};$$

5. Шпинделни айланишлар частотасини ҳисоблаймиз:

$$n = \frac{1000V}{\pi D} = \frac{1000 \cdot 35,1}{3.14 \cdot 18} = 621 \text{ daq}^{-1}$$

Дастгоҳ паспорти бўйича айланишлар частотасини коректировка қилиб ҳақиқий айланишлар частотаси $n=630 \text{ мин}^{-1}$ ни қабул қиламиз.

6..Кесиш жараёнида асосий ҳаракатнинг ҳақиқий тезлиги:

$$V_{\text{хак}} = \frac{\pi D n}{1000} = \frac{3.14 \cdot 18 \cdot 630}{1000} = 35,6 \text{ м / daq}$$

7. Кесишдаги қувват:

Агар $t=2$ бўлса, $S_o=0.4 \text{ мм/айл}$ гача бўлса, Чўянлар учун $V=100 \text{ м/дақ}$ бўлса, $H_{\text{жаD}}=2.75 \text{ кв}$; [4] (675-бет 7-жад); Тўғрилаш коэффиценти: $K=1$;

$$H_{и}= H_{\text{жад}} \cdot K=2.75 \cdot 1=2.75 \text{ кв};$$

8. Асосий вақт:

$$T_{\text{ас}} = \frac{L}{ns} = \frac{40}{630 \cdot 0,3} = 0.2 \text{ дақ}$$

Бу ерда:

$$L= y + \Delta + l = 35 + 3 + 2 = 40 \text{ мм};$$

бу ерда: $y=2 \text{ мм}$, кескични ботиши; $\Delta=2 \text{ мм}$, кескични чиқиши; $l= 36 \text{ мм}$.

015-операция. Токарлик-винтқирқар 16K20

1-ўтиш. М юза Ø72.2 мм, L=80 мм га тоза йўнилсин

Ён томон кесувчи кескич, ГОСТ 18880-73, ВК8

1. Ишчи юриш узунлигини топамиз

$$L_{и.юр.}=L_{\text{кес}} + y + L_{\text{к}}, \text{ мм}$$

$$L_{\text{кес}}=80 \text{ мм}$$

$$y=2+3=5 \text{ мм}$$

$$L_{\text{к}}=2 \text{ мм ([2], 3006)}$$

$$L_{и.юр.}=80+5+2=87 \text{ мм}$$

2. Суриш кийматини аниқлаймиз

$$S_o = 0,15 \text{ мм/айл ([2], Т-2,226)}$$

дастгоҳ буйича қабул қиламиз

$$S_o = 0,15 \text{ мм/айл}$$

3. Кескич тургунлик даври

$$T = 60 \text{ дақ ([2], Т-3, 266.)}$$

4. Кесиш тезлигини топамиз

$$V = V_{ж} \cdot K_1 \cdot K_2 \cdot K_3, \text{ м/дақ}$$

$$V_{ж} = 160 \text{ м/дақ}$$

K_1 -материалга боғлиқ коэффициент;

$$K_1 = 0,9 \text{ ([2], Т-4, 296.)}$$

K_2 - тургунликга боғлиқ коэффициент;

$$K_2 = 1,0 \text{ ([2], Т-4, 296.)}$$

K_3 - ишлов бериш турига боғлиқ коэффициент;

$$K_3 = 1,0 \text{ ([2], Т-4, 296.)}$$

$$V = 160 \cdot 0,9 \cdot 1,0 \cdot 1,0 = 144 \text{ м/дақ}$$

5. Шпиндельни айланишлар сони аниқлаймиз

$$n = \frac{1000v}{\pi d} = \frac{1000 \cdot 144}{3,14 \cdot 72,2} = 63 \text{ айл/дақ}$$

дастгоҳ буйича қабул қиламиз

$$n = 630 \text{ айл/дақ}$$

6. Хакикий кесиш тезлигини топамиз

$$V = \frac{\pi \cdot d \cdot n}{1000} = \frac{3,14 \cdot 72,2 \cdot 630}{1000} = 14,4 \text{ м/дақ}$$

7. Асосий вақт

$$t_a = \frac{L_{и.юр}}{S_o \cdot n} = \frac{87}{0,15 \cdot 630} = 0,9 \text{ дақ}$$

8. Кесиш кучини топамиз

$$P_z = P_{z_{ж}} \cdot K_1 \cdot K_2, \text{ кг}$$

$$P_{z_{ж}} = 140 \text{ кг ([2], Т-5, 356.)}$$

K_1 - материалга боғлиқ коэффициент

$$K_1 = 0,9$$

K_2 -кесиш тезлигига боғлиқ коэффициент

$$K_2=1$$

$$P_z = 140 \cdot 0,9 \cdot 1 = 126 \text{ кг}$$

9. Кесиш қувватини топамиз

$$N_{\text{кес}} = \frac{P_z \cdot V}{6120} = \frac{126 \cdot 142}{6120} = 2,9 \text{ кВт}$$

10.Текшириш

$$N_{\text{кес}} = 2,2 < N_d \cdot \eta = 7,5$$

Ишлов бериш мумкин.

2-ўтиш. Марказий Д тешиқ Ø18.7 мм, L=35 мм га развёрткалансин.

Токарлик винт-қирқар 16К20 дастгоҳи. Ишлов беришга қолдирилган қўйим миқдори $h=0,5$ мм. Механик ишлов беришдан сўнг юзанинг ғадир-будурлиги $R_z=40$ мкм га тенг. Заготовка материали СЧ15 маркали бўлиб, унинг қаттиқлиги 217 НВ га тенг. Кескич ва унинг геометрик элементлари: $D=20$ мм кесувчи қисм материали ВК8, тишлар сони, ([5]155бет,48жад) қаттиқлиги 217 НВ бўлса, $\gamma = 0^\circ$, $\alpha = 9^\circ$, $\varphi = 60^\circ$.

Кесиш маромлари:

Кесиш чуқурлигини белгилаймиз. Бир марта ўтиш билан қўйим миқдорини олиб ташлашда $t=h=0.5$ мм.

Суриш қийматини аниқлаймиз: [4] (7 жад, 66-б)

$$S_o=1.9 \text{ мм/айл.}$$

Дастгоҳ паспорти бўйича коректировкалаб $S_o=1.9$ мм/айл ни қабул қиламиз.

3.Кескични турғунлик даврини аниқлаймиз:

Бунда битта кескич билан ишлов беришда $T=30...60$ дақ эканлигини этиборга олиб $T=40$ дақ деб қабул қиламиз. ([4] (662-б 7-жад)

4.Кесишда асосий ҳаракатни тезлигини аниқлайлик.

Агар $S_o=0.6$ мм/айл, бўлса $D=20$ мм, гача бўлса, $V_{ж}=33$ м/дақ.

[4] (666-бет, 4-жад).Тўғрилаш коефитсиенти: $K=1.25$;

$$V_{и}=V_{ж} \cdot K=33 \cdot 1.25=41.25 \text{ м/дақ;}$$

5. Шпинделни айланишлар частотасини ҳисоблаймиз:

$$n = \frac{1000V}{\pi D} = \frac{1000 \cdot 41,25}{3,14 \cdot 18,7} = 702,7 \text{ daq}^{-1}$$

Дастгоҳ паспорти бўйича айланишлар частотасини коректировка қилиб ҳақиқий айланишлар частотаси $n=800 \text{ мин}^{-1}$ ни қабул қиламиз.

6..Кесиш жараёнида асосий ҳаракатнинг ҳақиқий тезлиги:

